
РОССИЯНИНГ ЙИРИК КОМПАНИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ФАРҒОНАДАГИ “ИШГА МАРҲАМАТ” МОНОМАРКАЗИДА РОССИЯДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БИЛАН ТАНЛОВ-СУҲБАТ ЎТКАЗИШДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида хорижда қонуний ишлаш истагини билдирган фарғоналиклар билан Россия Федерациясидаги йирик иш берувчилар ўртасида танлов-суҳбат ўтказилди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Фарғона вилоят филиали томонидан ташкил этилган тадбирда Россия Федерациясидаги “ПСП-Фарман” “СтройКрафт” ва “Ренейссанс” каби йирик қурилиш компаниялари вакиллари вилоятимиз туман ва шаҳарларидан суҳбатга келган 600 нафардан зиёд фуқароларимиз билан ғишт терувчи, бетончи, пайвандчи, сантехник каби касблар бўйича суҳбат-танлов ўтказилди.

Танловдан муваффақиятли ўтган фуқароларимизга тез кунда зарур бўлган ҳужжатлар расмийлаштирилади ва улар Россия Федерациясининг Москва, Мурманск, Амурск каби шаҳарларига қонуний тартибда, шартнома асосида меҳнат фаолиятларини амалга ошириш учун жўнаб кетишади. Бунда фуқароларимизнинг барча йўл харажатлари, ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар иш берувчи томонидан тўлаб берилади, улар бепул турар жой ҳамда овқат билан таъминланади.

Ташкил этилган суҳбат-танловга Ўзбекистон Бош вазирининг маслаҳатчиси Меҳриддин Хайриддинов ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Муҳитдинов ташриф буюришди.

Меҳмонлар мономарказда яратилган шароитлар билан танишиб чиқиб, суҳбат-танлов юқори савияда ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-05 17:10:33